


O'ZBEKISTONDA

2023
20- Iyun

FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

ISSN: 2181-3302



Exact
Natural
Medical
Technical
Economics
Philological
Pedagogical
Social sciences
and humanities





“O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR” JURNALI



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

MATERIALLARI TO‘PLAMI

20-IYUN, 2023-YIL

20-SON

O‘ZBEKISTON

2023





MUNDARIJA:		
1.	Рамазанов Бахром Гафурович Аминов Феруз Фахриддинович <i>ИССЛЕДОВАНИЕ ВАЖНЕЙШИХ СВОЙСТВ ОЛИГОМЕРОВ НА ОСНОВЕ АМИНОСОЕДИНЕНИЙ И АЛЬДЕГИДОВ.</i>	15
2.	Baxriddinova Oltinoy Bobosher qizi Suvonov Obidjon Shukurullayevich <i>BURJ XALIFA BINOSI HAQIDA BIZ BILGAN VA BILMAGAN HAQIQATLAR</i>	20
3.	Эшматова Г.Қ <i>КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҒАЛТАКМОЛАЛАРГА ЎРНАТИЛАДИГАН ПЛАНКА ВА ТРУБАЛАР СОНИНИ УЛАРНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ</i>	24
4.	Mirali Jabbarovich Maxmudov <i>TASVIRIY SAN'ATDA KOMPOZITSIYA QONUNIYATLARI</i>	27
5.	Sherzodjon To'liqino'g'li Ahmedov <i>KVANT-KIMYOSINING USULLARIDAN FOYDALANIB SPEKTRAL NATIJALARNI TAHLIL QILISH</i>	34
6.	Sherzod Ahmedov Maxliyo Muxtoraliyeva Zulfira Sobitova <i>EMISSION VA YUTILISH SPEKTRLARINI KUZATISH UCHUN QO'LDA TAYYORLANGAN QEWCAM SPEKTROMETRI</i>	46
7.	Ubaydullayev Saidakbar Saydalievich <i>VALIANT CHILDREN OF OUR PEOPLE</i>	56
8.	Khotamkulova Shahista Isakova Shohida Maxmudova Saidaxon <i>COMPARATIVE ANALYSIS OF ENGLISH AND GERMAN LANGUAGES</i>	60
9.	Xaminov Burkhon Turgunovich Bakhriddinova Dilnora Sharifjon kizi Rabbimov Elmurod Farhod ugli <i>EXPLORING THE BENEFITS AND CHALLENGES OF COBALT COATING ON STEEL: APPLICATIONS IN INDUSTRY AND BEYOND.</i>	64
10.	Alimova Madinabonu Islomjon qizi <i>THE EFFECTIVENESS OF INDUCTIVE AND DEDUCTIVE APPROACHES IN LEARNING GRAMMAR AMONG UZBEK EFL LEARNERS</i>	67
11.	Boyqo'ziyeva Ra'no Karimovna Alijonov Adhamjon <i>MILLIY MADANIY MEROS – TIKLANISH VA YANGILANISH OMILI</i>	72
12.	Sharofutdinova Ra'no Shavkatovna Mamayusupov Jamshid Shoyunus o'g'li <i>MENTAL ARIFMETIKADA ABAKUS ETIMOLOGIYASI</i>	75
13.	R.SH. SHarofutdinova <i>BOSHLANICH SINIF O'QUVCHILARINI IJODIY FAOLIYATGA YO'NALTIRIB</i>	83



	<i>O'QITISHDA HAMKORLIK.</i>	
14.	Sadullayeva Gulshirin Ilhomovna <i>ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE AT AN EARLY AGE</i>	91
15.	Холматова Салима Кузибоевна Эсонова Фотима Шойдали қизи Душабоева Махлиё Асроровна Ускинова Олмахон <i>БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ХИССИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ.</i>	94
16.	Djalolov Furqat Fattohovich <i>IMPROVING ENGLISH TEACHING ON THE BASIS OF FULL EDUCATION TECHNOLOGY</i>	100
17.	Rajabboyeva Sevinch Murod qizi <i>BADIIY ADABIYOTDA METAFORANING QO'LLANISHI.</i>	106
18.	Sodikova Feruza Abdulkhay qizi <i>ANALYSIS OF HYGROSCOPICITY CHARACTERISTICS OF MATERIALS USED IN SEWING SPECIAL CLOTHES</i>	113
19.	Asqarov Hasanboy Xoldorovich Egamberdiyev Xurshidbek Madaminjon o'g'li <i>KARAM SAQLASH DAVRIDA KASALLIKLAR BILAN ZARARLANISHI VA KASALLIKLARGA QARSHI KURASH CHORALARI.</i>	117
20.	Saidova Dilnovoz Bakturdiyevna Berdiqulova Nigora Raxmonovna Boltayeva Muhayyo Dilshod qizi <i>GENETIKA VA EVOLUTSION TA'LIMOT FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHILARNING TABIIY-ILMIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH</i>	126
21.	Begmuradov Shokhzod Dilmurod o'g'li <i>NYUTON QONUNLARI YORDAMIDA DINAMIKA MASALALARINI YECHISHNING UMUMIY SXEMASI.</i>	133
22.	Achilova Majluda Farkhadovna <i>"SAMARKAND ASTANA (AIRPORT) WHICH HARMONIZES THE PAST AND THE FUTURE"</i>	137
23.	Maxfuza Maxamadjonovna Xalilova Iroda Xusan qizi Abdullaeva <i>KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIK ASOSIDA DARSLARNI TASHKIL ETISH TAMOYILLARI VA PEDAGOGIK MULOQOTNI RIVOJLANTIRISH KO'NIKMALARI</i>	140
24.	Muxammadiyev Lochin G'ayratovich <i>MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL QILISHNING NAZARIY-METODOLOGIK MASALALARI</i>	148
25.	Nasiba Ibragimovna Shonazarova <i>TOSHKENT VILOYATI EKIN MAYDONLARIDA TARQALGAN KARTOSHKKA Y VIRUSI (KYV) BILAN ZARARLANGAN KARTOSHKKA O'SIMLIKLARINI ANIQLASH VA ULARNI INDIKATOR O'SIMLIKLARGA TA'SIRINI O'RGANISH</i>	157



БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ХИССИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ.

Холматова Салима Кузибоевна

ЧДПУ “ Болалар спорти” кафедраси ўқитувчиси.

Эсонова Фотима Шойдали қизи

Душабоева Махлиё Асроровна

Ускинова Олмахон

ЧДПУ талабалари

Аннотация. Мақолада, мактабгача ёшдаги болаларни туғилганидан 6-7 ёшгача сензитив ривожланиш хусусиятлари юзасидан назарий таълимотлар келтирилган. Хусусан ҳар бир ёш даврида боланинг психик тараққиётининг ўзига хосликлари баён этилган.

Калит сўзлар: сензитив, психика, нутқ, мулоқот, атроф-муҳит, хулқ-автор, тарбия, маданият, ривожланиш, рефлексия, сезги, сенсорика.

ОСОБЕННОСТИ ПЕРИОДОВ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Аннотация. В статье представлены теоретические основы об особенностях сензитивного развития детей дошкольного возраста от рождения до 6-7 лет. В частности, описаны особенности психического развития ребенка в каждый возрастной период.

Ключевые слова: сенсорика, психика, речь, общение, среда, поведение, воспитание, культура, развитие, рефлексия, интуиция, сенсорика.

FEATURES OF PERIODS OF SENSITIVE DEVELOPMENT IN PRESCHOOL CHILDREN.

Annotation. The article presents the theoretical foundations about the features of the sensitive development of preschool children from birth to 6-7 years. In particular, the features of the mental development of the child in each age period are described.

Key words: sensorics, psyche, speech, communication, environment, behavior, upbringing, culture, development, reflection, intuition, sensorics.

Маълумки мактабгача болалик даврида бола ақлий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий шаклланишининг ўзига хос психологик хусусиятларга бой йўлни босиб ўтади. Мактабгача ёшдаги болалар психикаси ва таълим-тарбияси бўйича хорижда ва мамлакатимизда бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан В.Штерн, К.Бюлер, К.Левин, А.Валлон, З.Фрейд,



Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Р.Лурия, А.Н.Леонтьев, П.Я. Гальперинлар томонидан сензитив ривожланиш ва шахс тараққиётининг ўзаро муносабат назарияси яратилган.

Сензитив давр (лотинча сѐнсус сўздан олинган бўлиб, ҳиссиёт, сезги) онтогенетик ривожланиш даври бўлиб, бутун тана аъзоларини ички ва ташқи таъсирларга юқори ҳиссий жавоби яъни физиологик, психологик жиҳатдан ўзгариши янги билим ва хулқ-авторн шакллари ўзлаштиришга тайёрлиги билан намоён бўлади.

Мавзуга оид изланишлар таҳлили.

Француз психологи ва файласуфи Рене Декарт боланинг сензитив даврини ўрганиб, қуйидаги хулосага келади: “5-6 ёш болаларда ғоялар мавжудлигига кўра учта турга бўлинади: натижа ва оқибатга кўра пайдо бўлади; тайёр ғоялар; туғма ва табиий ғоялар. Натижа ва оқибатга кўра пайдо бўладиган ғоялар ҳиссий тажрибалар билан боғлиқ бўлиб, сезги аъзоларимизни умумий ҳолатидан келиб чиқади. Бу ғояларни бола мустақил равишда ўз тажрибаларини таҳлил қилиши натижасида олади. Улар алоҳида нарса ва буюмлар, ҳодисалар ҳақида билим беради, лекин атроф олам ҳақидаги объектив қоидаларни англашига ёрдам бермайди. Туғма ва табиий ғоялар инсонга атроф олам борлиқ ҳақида ҳамда унинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларни беради” [8; 62-63-б].

Декарт ва Спиноза воқеликни билишда бевосита ҳақиқатга эришиш билан амалга оширилувчи алоҳида усул ва ақлий сезгирлик етакчи ҳисобланишини илгари сурадилар. Инсон ўзини англаса, атроф оламини ҳам англайди, қалб ва руҳият инсон танасидаги қоидалар бир хил кечади [14].

Дж.Локк инсондаги барча билимлар ҳиссий тажриба асосида йиғилади деган хулосага келади- “ ҳиссий тажриба иккита турга бўлинади: рефлексия ва сезги. Иккала жараён ҳам ташқи олам ҳақидаги билимларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Сезги нафақат англашнинг биринчи босқичи, балки ташқи олам ҳақидаги билимларни кашф қилишнинг ягона йўли, инсон билан боғланувчи ягона канал ҳисобланади. Инсоннинг сезги аъзолари нарса ва буюмлар, атрофимиздаги одамлар ҳақида батафсил маълумот беради” [7]. Мактабгача ёшдаги болаларда аввало тарбиячи сезгини ривожлантириши муҳим. Сезги ривожланиши билиш фаолиятини самарали бўлишини таъминлайди.

Давид Гартли боланинг психик ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиш ҳақиқатдан ҳам чегараланмаган деб ҳисоблайди. У қуйидаги фикрларни билдиради “инсон психикасининг ривожланиши ва хулқ-атворининг шаклланишига оид билимларни қиёслаш орқали ўзлаштиришдан бола тарбиясида фойдаланиш лозим. Чунки боланинг келажаги атрофдагиларнинг унга нималар ҳақида ахборот бераётганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун боланинг қандай ўсиши, қандай фикрлаши ва ҳатти-ҳаракати фақатгина катталарга боғлиқдир” [14; 72-81-б]. Шундай экан, мактабгача ёшидаги болалар



тарбиясида оила ва ота-оналар таъсирини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Виготский сензитив ривожланиш даврини қуйидагича таснифлайди “ривожланишга аниқ ҳиссий таъсир кўрсатиш, унда мураккаб ўзгаришлар рўй беради”[3]. Бошқа даврда бундай ҳолатлар нейтрал бўлиши мумкин, қайта таъсир кўрсатади ривожланиш даврида. Сензитив давр ҳар қандай тирик организмда юз беради. Олим нутқ ривожланишинг бешта даврга ажратган;

1) 1,5-3 ёшгача болаларда сўз бойлиги ортади. Қўл моторикаси ривожланади.

2) 3-4 ёшда товуш ва харфлар билан танишади. Англинган нутқ ривожланади.

3) 4-5 ёшда математика ва мусиқага қизиқиш пайдо бўлади. Ранг, шакл ва ўлчамни тушунади. Ёзиш малакалари шаклланади.

4) 5-6 ёш ижтимоий кўникма ривожланади, мулоқотга қизиқиш ортади. Ўқиш ва ёзиш малакалари шаклланади.

5) 8-9 ёшда нутқий қобилият ривожланади. Тасаввур кенгаяди ва маданий кўникмаларни эгаллайди [4]. Шундай қилиб, 5-6 ёш ўқиш учун сензитив давр саналади. Бу ёшдаги болалар ўқишни тез ўзлаштиради.

М.Монтессори фикрича, сензитив даврда ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятини инобатга олиш муҳим. Бу даврда аниқ чегара бўлмайди, бири бошланса, иккинчиси узоқ муддат давом этиши мумкин.

М.Монтессори нутқ ривожланишини сензитив даврларини аниқлаган (0-6 ёшгача)

0-4 ойлик- бола товушларни англайди, овоз чиққан томонга қарайди, товушларни эшитади ва тақлид қилади.

1-1,5 ёшда- сўзларни талаффуз қилади ва нутқни тинглайди.

2-2,5 ёш-сўз бойлиги йиғилади, ҳиссиётлари ва истакларини ифодалайди. Ўзбек тилини грамматик меъёрларини ўзлаштиради.

2,5-3 ёшда бола эшитганларини ўйлайди ва нутқ сўзлашни ёқтиради. Ўз фикрларини сўзлайди.

3,5-4 ёшда-фойдаланган сўзлар ва нутқини англайди.

4-4,5 ёш- муаммоларни ечиш учун нутқдан фойдаланди.

5 ёшда-товуш ва харфларга қизиқади. Ўз фикрларини ифодайди. Ўқишни ўрганади ва бошқалар фикрини тушунади.

0 -3 ёшда болалар атроф муҳитдаги воқеликларни англайди ва тушунади” [11]. Мария Монтессори болаларни турмуш тарзи тартибларига ўргатиш лозимлини тавсия этади. Болалар оилада тартиб қоидага ўргатилади. Одамлар учун пол юришга мўлжалланган, сув балиқлар учун, улар эса сувда сузади. Болалар ётиши учун кровати бор, ўйинчоқлар учун жавон. Болалар оёқ кийимлар учун жавон алоҳида эканлигини тушунади, идиш товоқлар ошхонада туришини билади. Агарда онаси отасини оёқ кийимини кийиб олса,



хайратланади. Ҳар бир оила аъзосини вазифаларини англайди (она-овқат пишарди, кир ювади, уйни тозалайди... в.х.). Болалар учун кундалик тартиб ҳам муҳим ҳисобланади. Боланинг бир ёшлигиданоқ, тартибга ўргатиш зарур. Эрталаблабки нонуштадан сўнг сайрга чиқиш, уйқудан олдин қўл ва тишларни тозалаб ювиш каби соғлом турмуш тарзига ўргатилади. Катталарнинг болаларга бўлган талаблари мунтазам ва аниқ бўлиши лозим, масалан овқат вақтида гапирмаслик, овқатдан олдин ва кейин қўлларни ювиш, катталар сўзлашаётганда аралашмаслик каби одоб-ахлоқ қоидалари ўргатиб борилади. 3 ёшда болага ўргатилган одоб-ахлоқ меъёрлари ва тартиб-интизом келгуси ҳаётида ҳам замин бўлади. М.Монтессори, сенсор тарбияни тафаккурнинг асоси деб таърифлайди, сўз бойлиги кўпаяди, математик идрок, ёзиш малакалари, эстетик тарбия ривожланади. Атроф оламни сезиш орқали англайди, ҳиссий идрок ривожланади. Болаларда тажрибалар шаклланди, турли шакллар, миқдор ва рангни идрок қилади. Уларда кўриш, эшитиш ва тактил сезги ривожланади.

Натижа ва мулоҳазалар. Болаларда нутқ ривожланишининг сензитив даври туғилганидан олти ёшгача давом этади. Бу давр 1 ёшдан 4 ёшгача давом этади. Бу ёшдаги болаларга ҳаракат қилиш муҳим. Чунки, ҳаракатланиш натижасида қон кислород билан тўйинади, бош мия ривожланади, психик жараён ривожланиши фаоллашади. Билиш фаолияти жуда юқори бўлади, ҳаракатлари ҳам жадаллашади. Бу ёшдаги болалар учун шундай фаолият турлари танланиши керакки, ҳаракатланиш чекланмаслиги лозим. Ўқув-тарбиявий жараёнларда болалар кўп ўтириши мумкин эмас, улар зўриқмаслиги учун жисмоний дақиқалар ўтказиш зарур. 2 ёшдан 6 ёшгача болалар хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиради. Болалар атрофида қандай воқеа-ҳодисаларни кўрса шунга таъсирланади, шунинг учун улар билан мулоқот маданиятига хос равишда муносабатда бўлиш муҳим.

Тартибни идрок қилиш даври. Туғилганидан 3 ёшгача юз беради. 1,5 -2,5 ёшгача болалар майда буюмларни идрок қилади, маслан: тугмачалар, конструктор ўйинларни йиғади ва майда қисмларга ажратади. Бу эса болаларга атроф олам ҳақидаги тушунчаларни шаклланишига ёрдам беради, бутун ва қисмнинг моҳиятини англайди. Бу бола ривожланишининг муҳим даври саналиб, туғилган вақтида тартиб, озодалик нималигини фарқламайди, атроф муҳит у учун оддий хаотик ҳисобланади. аста секин у атроф оламни кузатади, сўнгра тартиб қоида ҳақида тушунча пайдо бўла бошлайди. Уй рўзғор буюмларини фарқлайди, озиқ-овқатлар музлатгичда туради, китоблар эса жавонда, ҳар бир кишини ўз кийимлари бор эканлигини англайди. Нарса буюмларни вазифасини тушунади, қошиқда овқатланиш, стулчада ўтириш, столга дастурхон тузатиш лозимлигини билади. Кунлик тартибни ўзлаштиради, эрталаб уйқудан уйғонгач юз –қўлни ювиш, сўнгра овқаланиш ва бошқ. Ота-оналарнинг вазифаси эса, бола учун кунлик тартибга амал қилишни таъминлашдан иборат. Катталар билан мулоқот қилишга ўргатилади. Ушбу босқичда ота-оаналарга катта маъсулият



юкланади, боланинг табиий эҳтиёжларини қондириш, кундалик турмуш тарзига ўргатиш кабиларни бажарадилар. Бир ёшгача товушларни эшитади, турлича овозлар чиқаради, уларни чузиб айтади. Пассив сўз захираси пайдо бўла бошлайди, бола сўз мазмунини тушунса ҳам ўзи мустақил талаффуз қила олмайди. Бир ярим ёшларга етганда, янги сўзларни ўзлаштира бошлайди. Бола гапиришни хохласада, буни уудалай олмайди. Уч ёшларга борганда гапларни тескари туза бошлайди(масалан: мен келдим боғчадан, мактабга опам кетди). Болада нутқ ривожланиш босқичи бошланади, у гапирмаса ҳам маълумотларни ўзлаштира олади. Сўзларни тушуна бошлагач, кетма-кетликда гапиради. Шунинг учун ота-оналар ва катталар болага ифодали, равон ва грамматик жиҳатдан тўғри гапишлари лозим. Ушбу даврда кўпроқ бола билан сўзлашиш, шеър ва эртақлар ўқиш бериш, мураккаб бўлган қўшиқлар куйлаш мақсадга мувофиқ. Уч ёшдан кейин болалар “ўз-ўзи” билан сўзлаша бошлайди. Бу эса нутқ ривожланишининг энг зарур босқичи бўлиб, нимани эшитса шуни ўйлаб гапиради, аста-секин ўзи ҳақида фикрлай бошлайди. Тўрт ёшдаги болалар учун ҳарфлар қизиқарли туюла бошлайди, уларни график тасвирлаш билан бирга маъносини ҳам англай бошлайди. Ҳарфларга сўзлар айтади масалан: А ҳарфига - айиқ, ари, асал, арра, анор, автобус ва бошқ. Сўзлаётган ҳарф ва товушлар ўртасидаги алоқадорликни тушунади. Бу даврда барча сезги органлари ривожланади. Бу ёшдаги болалар ранг, шакл, катта ва кичикни идрок қила бошлайди. Нарса-буюмларнинг хусусияти ва белгиларини ҳис қилишга интилади. Ўйинчоқларни танлаб ўйнайди. Энг муҳим болада танлов имконияти пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Катталар болаларга юриш, сўзлашиш, ўқиш, ёзишни, ҳатти-ҳаракатни ўргаса, улар учун осон кечади. Ота-оналар биргаликда болалар билан барча ҳаракатларни бажаришлари лозим. Болаларга атроф оламдаги воқеа-ҳодисалар таъсир қилади, шунинг учун сезитив даврда улар билан бирга ўйнаш, суҳбатлашиш, уларнинг ҳошиш ва истакларини инобатга олиш муҳим. Шундагина болаларда продуктив тафаккур ривожланишига эришилади. Мария Монтессори фикрича, “ҳеч қачон болаларга бирор нарсани тўлиқ ўргата олмаймиз, қачонки, сезитив даврга мос равишда таълим-тарбияни ташкил этилмаса”. Айни сезитив даврда болаларда муаян кўникма шакллантирилади. Олимлар сезитив даврни дераза ойнисига ўхшатади. Ойна аста секин ёпилади, қайсидир ёшда инсон психик функцияларни ўзлаштира олмайди. Сезитив ва танқидий фикрлаш даврида эмоционал ривожланиш кузатилади. Масалан: болани эркалатиш, меҳр бериш, диққат эътиборли бўлиш муҳим. Илк куниданоқ катталарга ишонишни бошлайди. Агарда ота-оналар боланинг ҳаракатлари га эътибор бермаса, жавобсиз қолса, у камгап, одамови бўлиб қолади. Болаларда қандайдир фаолиятга қизиқиш пайдо бўлади, катталар уни қўллаб-қувватламаса бир қанча муддат ўтгач, қизиқиш йўқолади. Боланинг турли ёш даврида атроф оламнинг таъсирини қабул қилади. Вақтлар ўтиб, мазкур жараён



анча пасаяди. Масалан, илк ёшда бола нутқи осонгина шаклланиши мумкин, катталар ёрдамисиз гапиришни билади, грамматик гаплар тузади, фонетик ва лексик жиҳатдан мустақил ҳаракат қилади. Агарда нутқ шаклланишида қандайдир таъсир бўлса, бир қанча муддат тўхталиб қолади ва ривожланишида қийинчилик рўй беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баранова Э.А. Введение в детскую психологию: Курс лекций. Учебное пособие.- Санкт-Петербург.: Речь, 2006. -176 с.
2. Бодалев А. Личность и общение. -М.: Международная педагогическая академия, 1995.-328 с.
3. Виготский Л.С. Вопросы детской психологии-СПб.: Союз, 1997.-224 с.
4. Галустова О. В. Шпаргалка по истории психологии: учеб. пособие. -М.: ТК Велби, 2005.-48 с.
5. Дарвиш О.В. Возрастная психология. Учеб.пособие для студ. высш. учеб. Заведений. - М.: Владос-пресс, 2003.-341 с.
6. Давлетшин. М.Г., Ш.Дўстмухамедова ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология.Ўқув методик қўлланма.-Т.: 2004-129 б.
7. Дж.Локк. Опыт о человеческом разумении - .М.:.-Издательство : Социум, 2014.-621с.
8. Декарт Р.Рассуждения о методе.М.: 2020-416 с.
9. Дубро ва В.,. Ковалевич А. Основы психологии: Хрестоматия: учеб.пособие. М.:Беларусь, 2003.-495 с..
10. Леонтьев А.Н. Лекции по общей психологии. М.: Смысл, 2001-511 с.
11. Монтессори М. Помоги мне сделать это самому.М.: И.Д.Карапуз, 2002.- 252 с.
12. Немов Р.С. Общая психология: Учеб.для студ. Образоват.учреждений сред.проф.образования. М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2003.-400 с.
13. Спиноза Б. Тҳе Пҳилосопҳй оф Спиноза Ас Сонтаинед ин тҳе Фирст, Сесонд, анд Фифтҳ Партс оф тҳе Етҳисс анд ин Ехтрастс фром тҳе Тҳирд анд Фоуртҳ. Среативе Медиа Партнерс, 2016. -220 р
14. Шаповаленко И.В. Возрастная психология. (Психология развития и возрастная психология). - М.: "Гардарики", 2005. - 349 с.